

---

## Фурқат туманида саховат тадбирлари давом этмоқда

Давом этаётган муборак Рамазон ойида Фурқат туманининг барча масканларида ижтимоий кўмакка муҳтожларга мурувват кўрсатишдек хайрли амаллар кенг қулоч ёйган.

Барча маҳаллаларда ташкилланаётган саховат тадбирлари ва йўқловларда ёши улуғ кексалар, имконияти чекланган ва эҳтиёжманд оиласалар вакилларига мурувват кўрсатилиб, кўнгилларга шодлик улашилмоқда.

Сектор раҳбарлари, барча даражадаги мутасаддилар, маҳалла фаоллари ана шундай саховат тадбирларида иштирок этиб келмоқдалар.

Йўқлов давомида дуога қўл очган халқимиз вакиллари юрт тинчлиги, ободлиги йўлида хизмат қилаётган барча хизматчиларни хақларига дуо қилиб, хурсандчилигини билдиримоқдалар.

Эзгу фазилатлар ойида туманинг ҳар бир гўшасида шу каби хайрли амаллар бардавом.

2023-04-07 21:47:50